

ҲАҚИҚАТ – МУДОМ ИЗЛАНИШ ДЕМАК...

С.Панжиев – ТерДУ ўқитувчиси.

***Аннотация:** Мақолада ҳақиқат тушунчасининг илмий-фалсафий мазмуни, ҳақиқатнинг асосий шакллари ҳамда илм-фан ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳусусида маълумот берилган.*

Ҳар бир даврда инсон ўзининг амалий фаолияти натижасида объектив оламни тўлиқ ва аниқ акс эттирувчи билимга эга бўлиб боради. Инсонлар томонидан ўзлаштирилган билим эса объектив реалликка мос келадими ёки йўқми, бу дунёда нима рости (чин, тўғри) нима ёлғон каби масалани ҳал қилишда ҳақиқат тўғрисидаги таълимот аҳамиятлидир. Бу таълимот эса ўз-ўзидан “Ҳақиқат нима?”, “Ҳақиқат объектив ҳодисами ёки инсон хоҳиш иродасида боғлиқ жараёнми?” каби саволларни келтириб чиқаради. Мазкур саволларга жавоб бериш ва ҳақиқат нима эканлигига интилиш ҳар доим долзарбдир. Чунки ҳақиқатга ойдинлик киритиш барча фанларнинг энг муҳим вазифасидир. Аммо файласуфлар орасида ҳақиқат ва унинг билишдаги ўрни тўғрисида ягона фикр йўқ. Фалсафий манбаларда ҳақиқат (ар. – чин, тўғри) – инсон онгида воқеликнинг тўғри, ҳаққоний акс этишини ифодалайдиган фалсафий тушунча сифатида эътироф этилган. Яъни, ҳақиқат масаласини илмий тарзда ҳал қилишнинг ягона йўли инсон билимлари билан объектив оламдаги реал нарса ва ҳодисалар, уларнинг сифат ва хусусиятлари ўртасидаги муносабатларнинг мувофиқлигидадир.

Дарҳақиқат, ҳақиқат – борлиқнинг онгдаги идеал ифодаси, чунки ҳақиқат ондан, билаётган субъектдан ташқарида ва ундан қатъий назар мавжуддир. Ҳақиқат – билимларнинг объектив борлиққа мувофиқ бўлган мазмуни. Ҳақиқат илмий назарияда мужассамлашган англаб етилган тасдиқловчи мулоҳазалар кўринишида ўз ифодасини топади. Шундай экан, ҳақиқат объектив воқеликка мос келувчи нарса ва ҳодисаларнинг реал ҳолатдаги мазмунини сифат ва хусусиятларини тўғри акс эттирувчи ҳамда амалиётда синалган билимлардир.

Инсоният тарихининг турли давларида ҳақиқат тўғрисидаги қарашлари турлича бўлган. Жумладан, фалсафа тарихида ҳам ҳақиқат масаласида турфахил ёндашувлар бўлган. Масалан: Аристотел, ҳақиқатни фикрнинг, билимнинг воқеликка мос келиши, ёлғонни эса унинг аксидир деб талқин қилади. У ўзининг “Метафизика” асарида “Бор нарсани йўқ дейиш ёки йўқ нарсани бор дейиш ёлғон гапиришдир, борни бор ва йўқни йўқ дейиш эса ҳақиқатни гапиришдир” (Аристотель Сочинения в 4 т. М., 1975, т.1. стр-141.) деб тарифлаган. Платон ҳақиқатни ғоялар дунёсига мос келувчи мустақил идеал

моҳият сифатида тушунган, инсон билимининг шу ғоялар дунёси билан муштараклиги даражасидагина ҳақиқийдир, деб ҳисоблаган.

Беруний фикрича ҳақиқат – билимнинг воқеликка мувофиқлигидир. Фаробий эса ҳақиқатни билиш ақлнинг камолотига боғлиқ дейди. Бу ақл инсон қалбидадир, унинг камолотига эса фаол ақлга қўшилиш орқали эришилади. Фаол ақлда борлиқнинг энг олий даражаси бўлган Биринчи сабабдан бошлаб то охирги ҳақиқатнинг барча шакллари мавжуд. Шунингдек, Фаробий ва унинг издошлари фикрича, ҳақиқат бир нечта бўлиши мумкин эмас, ҳақиқат битта, шу боис фалсафа ҳам бир нечта бўлиши мумкин эмас. Фаробий ҳақиқатнинг ўзгармаслигига ишонган ва фалсафани ҳақиқатнинг бирдан бир ифодаси деб ҳисоблаган. (*Ҳотамий С.М. Ислом тафаккур тарихидан. – Т.; “Минҳож”, 2003. – 126-бет*)

Нақшбандий ҳақиқат – бу Оллоҳни билиш демакдир деб ҳисоблаган. Ҳақиқат суфийлар талқинида шариат доирасидан четга чиқувчи ички мазмунни англатади. Илк суфийлар шариат ва ҳақиқат ўртасида жарлик юзага келишига йўл қўймасликка ҳаракат қилганлар. Кейинги суфийлар масалан, Абу Бакр аз Закок ҳақиқат ҳақидаги фан шариат сари йўлни ойдинлаштиради деган. Дарҳақиқат диний ақидаларни рад этиш ва одам шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқатга эришганидан кейингина ўзининг “ҳақиқий борлиғи”ни англаши, ҳақиқат билан бирикиши ва ўзи ҳам ҳақиқатга айланиши ҳақидаги таълимот суфизм ривожланишининг кейинги босқичлари маҳсули сифатида ваҳдати вужуд (борлиқнинг бирлиги), яъни мистик пантеизм ҳақидаги таълимот асосчилари саналган Боязид Бистомий, Ҳаллож ва бошқаларнинг асарларида илгари сурилган.

Гегелнинг ҳақиқат ҳақидаги қараши унинг фалсафаси билан узвий боғлиқ. У ҳақиқатни тайёр ҳолда берилиши ва шу ҳолда чўнтакка солиб қўйиш мумкин бўлган танга сифатида эмас, балки соф тафаккур соҳасида билимларнинг диалектик шаклланиш жараёни сифатида тушуниш лозимлиги ҳақидаги машҳур тезисини таърифлайди: “...Ҳамма гап ҳақиқий нарсани субстанция сифатида эмас, балки шунингдек субъект сифатида”, яъни тафаккур фаолияти сифатида ҳам тушуниш ва ифодалашда (*Гегель. Феноменология духа. – М., “Наука” 1994. – стр-196.*) деб тариф берган.

Кьеркегор ҳақиқатнинг икки хил “Объектив ҳақиқат” ва “Субъектив ҳақиқат” тушунчасини қўллайди. У “Объектив ҳақиқат”ни ҳукмлар воқеликнинг ҳақиқий ҳолатига мос бўлса, улар ҳақиқий эканлигини билдиради. Бу тушунча ҳақиқатнинг корреспонденцияловчи, деб аталган назарияси асосида ётади: фикрлар воқеликдаги нарсалар ҳолатиго мос экан, ҳақиқийлигича қолаверади. Мен “доска яшил” десам бу фикрим чиндан ҳам доска яшил бўлса, ҳақиқий бўлади. “Объектив ҳақиқат” – “илмий”

ҳақиқат бўлиб, унда амалда мавжуд нарса ҳодисалар тўғрисида фикр юритилади деб тарифлаган.

“Субъектив ҳақиқат” эса бизнинг дунёга муносабатларимиз сифатини тавсифловчи тушунча сифатида этироф этилади. Яъни “субъектив ҳақиқат” – бу англанаётган, ишонилаётган нарсаларга инсон муносабатининг экзистенциал сифати. Биз ўз ишимиздаги дунёга муносабатларимизда самимий бўлсак ҳақиқат ичида яшаётган бўламиз. Бу ўринда гап ташқи ҳолатга пропозиционал мослик тўғрисида эмас, балки бизнинг ўз муносабатларимиз, ўз мавжудлигимизнинг интенсивлиги тўғрисида бормоқда. Шу маънода биз, масалан, “ҳақиқий севги” ҳақида гапиришимиз мумкин. Ҳақиқатнинг манашу тушунчаси қўлланилганда гап бирор нарсани тасдиқлаш ҳақида эмас, одамнинг ўз-ўзига муносабатининг сифати тўғрисида боради. “Субъектив ҳақиқат” ибораси бирор бир ёлгон ёки “объектив” объектив ҳақиқат бўлмаган нарсалар мавжудлигидан ёки нарсалар мавжудлигига асосланмайди. Бу ибора инсоний муносабатлар субъективлигининг ҳал қилувчи ролини ифодалаш учун қўлланилади. (*Гуннар Скирбек, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. – Т., “Шарқ” 2002, 519-520-бетлар*)

Дарҳақиқат, инсон сезгилари унинг онгидан ташқаридаги объектив оламнинг инъикосини ҳосил қилади. Объектив оламнинг мавжудлигини эътироф этиш билан унинг тўғри инъикосининг ҳосил бўлиши объектив ҳақиқатдан иборатдир. Яъни, объектив ҳақиқат инсон ҳоҳиш иродасига боғлиқ бўлмаган объектив мазмундир. Масалан, табиат ва жамият қонунлари объектив ҳақиқатдир. Чунки бу қонунлар инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан ташқарида мавжуд. Бу қонунларни инсон бекор қила олмайди, ўз ихтиёри билан ўзгартира олмайди.

Шу боис, нарса ва ҳодисалар воқелигининг қай даражада ҳақиқат эканлигини аниқлаш ва уларга тўғри муносабатни шакллантиришда ҳозирги замон билиш назариясида ҳақиқий билим ва унинг шакллари ҳақида турли фикрлар мавжуд.

Объектив ҳақиқат – билимларимизнинг инсон инсониятга боғлиқ бўлмаган мазмуни. Бизнинг билимларимизда доим ё муайян одамга, ё муайян ижтимоий гуруҳга боғлиқ бўлган унсур мавжуд бўлади. Бинобарин, ўз билимларимизда субъектив унсурларга боғлиқ бўлмаган ва шу сабабли объектив ҳисобланадиган мазмунни қайд этишимиз лозим. Объектив ҳақиқат ривожланиб, икки шакл: нисбий ва мутлақ ҳақиқат шаклларида амал қилади.

Мутлақ ҳақиқат – предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукамал билишдир. Олам замон ва маконда чексизлиги туфайли бундай билимга амалда эришиш мумкин эмас. Ҳақиқат тушунчасини мутлақ ҳақиқат тушунчаси билан тенглаштириб, биз унга эришиб бўлмаслиги, демак,

умуман билиш мумкин эмаслиги ҳақида гапирамиз. Бироқ фаннинг ҳақиқий тарихи бунинг тескарисидан далолат беради: фан ривожланади, чунки у нисбий ва мутлақ билимнинг бирлиги сифатида тушуниладиган ҳақиқатни билишга қодир. Бошқача айтганда, объектив ҳақиқат тўла ва мукамал кўринишдаги мутлақ ҳақиқатдир. Айрим ҳолларда, агар ҳақиқат вақт ўтиши билан ўзгармаса, яъни вақт шарт-шароитларига боғлиқ бўлмаса, у боқий ҳақиқат деб аталади.

Нисбий ҳақиқат – борлиқни асосан тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим. Нисбий ҳақиқат тўғри, бироқ нотўлиқ, тахминий, вақт ва жойнинг маълум тарихий шарт-шароитлари билан чекланган ҳақиқатдир.

Нисбий ва мутлақ ҳақиқат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Нисбий ҳақиқатлар билиш тараққиёти жараёнида ривожланиб, ўз чегараси бўлган мутлақ ҳақиқатга яқинлашади.

Бироқ билишнинг тарихий ривожланиш жараёни нафақат нисбий ҳақиқатларнинг мутлақ ҳақиқатга айланиш жараёни, балки айрим мутлақ ҳақиқатларнинг юзага келиш жараёни ҳамдир. Бу фикрни физикада атом ва унинг тузилиши ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши мисолида кўриш мумкин. Юз йил муқаддам физиклар ва химиклар атомлар амалда мавжуд ва ажралмас шарчалар кўринишида, деб тахмин қилар эдилар. Бу тасаввур замирида мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд эди. Бундан: «Кимёвий элементларнинг атомлари амалда мавжуд», деган хулоса келиб чиқади. Физика ва кимёнинг кейинги ривожланиши мутлақ ҳақиқатнинг бу элементини бекор қилмади. Бироқ бу тасаввурларда хатолар мавжудлиги (таранглик, ажралмаслик ва ҳ.к.) аниқланди.

XIX аср охирида электронлар кашф этилиши натижасида атом тузилишининг янги манзараси яратилди. Томсон мусбат зарралар ва манфий зарядли электронлардан ташкил топган атом моделини яратди. Атомнинг бу нисбатан ҳақиқий манзарасида мутлақ ҳақиқатнинг янги унсурлари пайдо бўлди: Дарҳақиқат атом мусбат зарядли зарралардан иборат.

Атом ҳақидаги тасаввур ривожланишининг учинчи босқичи Резерфорд-Бор модели билан боғлиқ. Бу моделда атом ядро ва унинг атрофида айланувчи электронлардан ташкил топади. Умуман олганда, аввалги моделлардан аниқроқ бўлган бу моделда мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд. Ҳозирги вақтда атом тузилиши ҳақидаги тасаввурлар замирида квант механикаси ва атом ядросини ўрганиш натижалари ётади. Ҳозирда электронларнинг атом ядроси атрофидаги ҳаракатини зичлиги нотекис бўлган булут ҳаракатига ўхшатиш мумкинлиги, чунки электронлар корпускуляр ва тўлқин хоссаларига эга эканлиги, ядро эса протонлар ва нейтронлардан иборат система ҳисобланиши ва ҳоказолар маълум.

Ҳозирги замон физикасида атом манзараси Бор назариясидагига қараганда тўлиқроқ ва аниқроқ, унда мутлақ ҳақиқат унсурлари кўпроқ. Бироқ атомнинг ҳозирги манзараси келажакда ўзгариши, унга аниқлик киритилиши, унда янги ҳақиқат ва хатолар аниқланиши шубҳасиз. Ҳақиқатда нисбий ва мутлақ жиҳатлар узвий, ўзаро боғланган: бир томондан, нисбий ҳақиқатда доим мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд бўлса, бошқа томондан, инсон билимларининг ривожланиши жараёнида нисбий ҳақиқатлардан мутлақ ҳақиқат юзага келади.

Нисбий ва мутлақ ҳақиқат диалектикаси бизнинг билимимиз атрофимиздаги оламни ҳар томонлама ва аниқ қамраб олишга интилиб, қарама-қаршиликларни ечиб, объектив борлиқни янада теранроқ ва мукамалроқ акс эттиришини кўрсатади. *(Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси. – Т., Файласуфлари миллий жамияти, 2011. 208-бет.)*

Билимларимизнинг ҳақиқат ёки ёлғонлигини, уларнинг нисбийлик даражасини конкрет жой ва вақт шароити белгилаб беради. Жой ва вақт шароити алмаши-ниб, ўзгариб турадиган омил эканлиги сабабли бир шароитда ҳақиқат бўлган нарса ўзгарган шароитда янглиш ёки ёлғон бўлиб чиқиши мумкин.

Жой ва вақт шароитини ҳар томонлама ҳисобга олиш талаби билувчи субъектни догматик хатолардан эҳтиёт қилади. Жой ва вақт шароитининг ўзгариши йетилган вазифаларни ҳал қилишга ижобий ёндашувни зарур қилиб қўяди, зарур бўлиб қолганда ўртага қўйилган мақсадга эришиш тактикаси, метод ва усулларини ўзгартира билишни тақозо этади. Шу боисдан ҳам билишнинг у ёки бу шакллари, методлари ва усулларини абсолютлаштириш мумкин эмас, эскирган ҳулосалар ва формулаларни ўз вақтида янгилари, ўзгарган шароитга мос келадиганлари билан алмаштириш зарур. Чунки айтиб бериш хил қонуниятлар турли тарихий шароитда турли натижаларга олиб келади.

Агар ҳақиқатга жараён деб қараб унга унинг ривожланиши нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, бу ҳолда конкрет ҳақиқатга абстракт ҳақиқат қарама-қарши қўйилади. Абстракт ҳақиқат – бу тўлиқ бўлмаган, ривожланган, бир томонлама ҳақиқат, конкрет ҳақиқат эса, аксинча тўлиқ ривожланган кўп томонлама ҳақиқат. Ҳар қандай ҳақиқат, у билан жараёнида ривожланиб борганлиги сабабли абстрактликни ҳам конкретликни ҳам ўз ичига олади. Ҳақиқат ўз ривожининг кейинги босқичига нисбатан абстракт ва илгариги ривожланиш босқичига нисбатан конкретдир.

Юқоридаги фикрларимизга асосланган ҳолда ҳулоса қиладиган бўлсак, ҳақиқат масаласига ойдинлик киритиш ҳар доим мураккаб ва серқирра жараён ҳисобланган. Ҳақиқатга дарҳол эришиб бўлмайди; унга эришиш билишнинг қийин, кўп босқичли жараёнидир. Шу боис турли давр ва фалсафий таълимотларда турфаҳил ёндашувлар

мавжуд бўлган. Шундай экан ҳақиқат – мудом изланишлар натижаси, инсон билимининг реалликка мос келиши, реал воқеликнинг инсон онгида тўла акс этишини ифодаладиган фалсафий тушунчадир.

Фойдаланилган адабиёилар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Аристотель Сочинения в 4 т. М., 1975, т.1. стр-141.
3. Гегель. Феноменология духа. – М., “Наука” 1994. – стр-196.
4. Гуннар Скирбек, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. – Т., “Шарқ” 2002, 519-520-бетлар.
5. Ҳотамий С.М. Ислом тафаккур тарихидан. – Т.; “Минҳож”, 2003. – 126-бет.
6. Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси. – Т., ЎФМЖ нашриёти, 2011. 208-бет.